Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 120 (21. 219) 1992 йил 19 июнь, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон Президентининг Корея Республикасида бўлиши

● Корея Республикасига давлат ташрифи буюрган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов шу мамлакат Президенти Ро Дэ У билан учрашди ва суҳбатлашди. Икки мамлакат ҳамкорлигига тааллуқли кўп муаммолар муҳокама қилинди.

ИҚТИСОДИЁТ муаммолари суҳбатда муҳим ўринни эгаллади. Томонлар бу соҳада алоқаларни йўлга қўйиш ўзаро манфаатли бўлади, деб ишонч билдирдилар. Биз ўзаро муносабатларимизни тенглик ва ҳамкорлик қоидалари асосига қурмоқчимиз, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. Бунинг учун республикада ҳамма имкониятлар — ер ости бойликлари, ривожланган кон-қазилма, саноат, машинасозлик, электроника, алоқа воситалари ишлаб чиқариш ва, ниҳоят, юқсак даражадаги ақл-идрок салоҳияти мавжуд. Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда олдинги ўринлардан бирида туради, республикада яхши жиҳозланган замонавий тўқимачилик саноати бор. Буларнинг ҳаммаси қўшма корхоналар барпо этиш, кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун яхши асос бўлади.

Учрашув чоғида ижтимоий масалалар ҳам тилга олинди. Хусусан, Ўзбекистонда яшаётган 200 мингдан ортиқ корейсларнинг аҳволи тўғрисида гапирилди. Ислом Каримов 1937 йилда Узоқ Шарқдан Ўрта Осиёга кўчирилган корейслар Ўзбекистонда бошқа миллатлар ва элатлар қаторида барча фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланаётгани ҳақида сўзлаб берди. Тошкентда, республиканинг бошқа шаҳарларида корейс миллий маданият марказлари муваффақиятли ишламоқда.

Кореяни бирлаштириш масаласи хусусида Ўзбекистоннинг муносабати ҳақидаги масала ҳам кўтарилди. Ислом Каримов бу муаммони тинч, сиёсий йўл билан ҳал этишни ёқлаб гапирди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов билан Корея Республикасининг президенти Ро Дэ У қўшма баёнотни имзоладилар. Унда иккала томоннинг дўстликни мустаҳкамлашга ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлиги таъкидланган.

И. А. Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи давом этмоқда. У мамлакатдаги нуфузли сиёсий арбоблар билан учрашиш, йирик илмий ва саноат марказларини кўриш ниятидадир.

(ЎзА).

МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМАН!

Илмий лабораториянинг раҳбари, техника фанлари номзоди Григорий Цай Янгийўлдан Президент И. А. Каримов номига йўллаган телеграмма Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Корея Республикасига ташрифига бағишланган.

Бу ташриф республика сиёсий ҳаётидаги катта воқеадир, дейилади телеграммада. Сиз дўстлик ва ҳамжиҳатлик йўлини очяпсиз, деб ёзади муаллиф, Президент Ро Дэ У билан қўл олиб кўришувингиз икки мамлакат халқларининг дўстлик туйғуларини амалда мустаҳкамласин, мустаҳкам давлатлараро муносабатлар ўрнатилишига хизмат қилсин.

Телеграммада иккала Президентга энг яхши истаклар билан бир қаторда делегация ўз юртига бутун халқни қувонтирадиган натижалар билан қайтади, деган ишонч билдирилган.

(ЎзА).

Жакартада И. А. КАРИМОВни кутмоқдалар

Индонезия пойтахтидан хабар қилишларича, сиёсат ва савдо-саноат доиралари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг бу мамлакатга биринчи расмий дўстона ташрифига муштоқ бўлиб турибдилар. У Осиё—Тинч океан минтақаси мамлакатлари бўйлаб қилаётган сафари давомида Корея Республикаси ва Малайзияга ташриф буюрганидан кейин 21 июнь куни бу ерга келади.

Индонезия мустақил Ўзбекистон билан муносабатлар ривожланишини табриклайди ва бу муносабатларнинг келажаги порлоқ деб ҳисоблайди, деди Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги сиёсий масалалар билан шуғулланувчи бош директори Вирьоно Састрохандойо.

Ўзбекистон Президенти Индонезияга ташриф буюрган вақтда шу мамлакатнинг Президенти Сухарто билан, бошқа бир қанча сиёсий арбоблар, савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашиб, музокаралар ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси билан Индонезия Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида протокол имзолаш мўлжалланмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ОЛИЙ КЕНГАШДАГИ ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИНИ РЎЙХАТГА ОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

● 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иш тартибининг 39-бандига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларидан 327 нафарини бирлаштирган депутатлар гуруҳи рўйхатга олинди.

Депутатлар гуруҳи ўз фаолиятида сайловчиларнинг наказлари ҳамда Ўзбекистон ХДПнинг республика аҳолиси, ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини яхшилашга, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларига асосланиб иш олиб боради. У Халқ демократик партияси Раиси—Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мамлакатимизда адолатли жамият барпо этиш учун дадил ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қилишга қаратилган йўлини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Кенгашдаги Депутатлар гуруҳи таркиби республикамизнинг кўп миллатли аҳолиси, унинг ижтимоий қатламлари ва ёш гуруҳларини, бутун ҳудудини тўла акс эттиради. У миллати, диний эътиқоди, қайси партияга мансублигидан қатъи назар, барча халқ депутатлари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

● Шу йил 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республика ҳаётига, унинг қонун чиқарувчи олий идораси фаолиятига оид муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясини 1992 йил 2 июлда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу сессияни тайёрлаш ва ўтказишда халқ депутатларининг янада фаол иштирок этишини таъминлаш, сессия материаллари билан уларни пухта таништириш, Олий Кенгаш муҳокамасига қўйилаётган масалалар хусусидаги ранг-баранг фикр-мулоҳазаларни аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон республикасига, вилоятларга ва Тошкент шаҳрига халқ депутатларини, Олий Кенгаш ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимларини юборишга қарор қилинди. Вилоятларга юборилаётган гуруҳларнинг раҳбарларига қонун лойиҳаларининг қоидаларини ҳамда сессияга доир бошқа материалларни тушунтириш учун тегишли вазирликлар ва идораларнинг мутахассисларини ишга жалб этиш тавсия қилинди. Ўнинчи сессияни тайёрлаш бўйича депутатлардан тузилган ишчи гуруҳга Олий Кенгашнинг қўмиталари ва комиссиялари билан биргаликда сессиянинг таклиф этилаётган кун тартибидаги масалалар юзасидан депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ҳамда уларни раёсат муҳокамасига киритиш топширилди. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларининг муҳарририятларига Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясига тайёргарлик ишларини кенг кўламда ёритиш вазифаси топширилди.

Раёсат Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш тўғрисидаги масалани қараб чиқди ва Олий Кенгашнинг Раиси ўртоқ Ш. М. Йўлдошев бошчилигида махсус республика комиссиясини тузди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кундалик эҳтиёж молларига бўлган талабларни қондиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан қатъий назоратни таъминлашдан иборат топширирини бажара бориб, Раёсат Саноат, халқ истеъмоли моллари, Аҳолига хизматлар кўрсатиш ва савдо ҳамда Агросаноат комплекси ва сув хўжалиги қўмиталарининг Савдо вазирлигининг ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмаси ҳисоботини ва «Ўзбекбирлашув» бошқарувининг ахборотини муҳокама этиш якунлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув», уларнинг жойлардаги ташкилотлари фаолиятини ўрганиш давомида баъзи бир ижобий ўзгаришлар аниқлангани таъкидлаб ўтилди. Бироқ республикаларо хўжалик алоқаларида узилиш кучайиб бораётгани, маҳсулотлар етказиб бериш борасидаги шартнома мажбуриятларига кўплаб бошқа минтақалардаги корхоналар риоя этмаётгани оқибатида бир қанча халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш камайиб кетишига йўл қўйилди. Олий Кенгаш қўмиталари текширув якунлари асосида қабул қилган қўшма қарорида «Ўзбексавдо» билан «Ўзбекбирлашув» бошқарувига ишни ўнглаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш тавсия этилди. Раёсат бу тавсияларни маъқуллади ҳамда номлари зикр этилган идоралар зиммасига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жиддий чоралар кўриш, бунда аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, республика Президентининг Фармонлари, бошқа меъёрий ҳужжатлар сўзсиз бажарилишига алоҳида эътиборни жалб этди.

Республикада қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига алоҳида аҳамият бериб, Раёсат Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари ҳамда Давлат ва жамоат хавфсизлиги, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмиталарининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва прокурорининг ҳисоботлари муҳокамаси якунига доир таклифларини қўллаб-қувватлади. Қўмиталар томонидан ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, кейинги икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Прокуратурасининг куч-ғайрати жиноятчилик билан боғлиқ жараёнлар ўсиб-кенгайиб боришини жиловлашга, давлат ва жамоат тартибини, қонунийликни ва республика фуқароларининг ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилди. Ўта хавфли ва оғир жиноятлар, шунингдек мастлик оқибатида содир этилган жиноятлар миқдори бирмунча қисқарди. Ташкилий асосдаги жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш фаоллаштирилди. Шу билан бирга Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларини истисно этганда жиноятчиликнинг умумий даражаси пасаймаяпти. Республиканинг айрим минтақаларида жиноятларнинг очилиш даражаси паст, порахўрлик суст бартараф этилмоқда. Халқ депутатлари кенгашларининг кўпчилиги ва ҳокимлар ҳуқуқ-тартибот идораларига улар ишининг самарадорлигини оширишда амалий ёрдам кўрсатмаяптилар, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этишда ёрдам бермаяптилар. Ички ишлар вазирлигига маъмурий идоралар иши самарадорлигини кучайтириш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига тасарруфидаги идоралар фаолиятига раҳбарлик даражасини ошириш, барча давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиши устидан прокурорлик назоратини кучайтириш таклиф этилди.

Олий Кенгаш Раёсати Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлар гуруҳини рўйхатга олди. Раёсат мажлисида шунингдек бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мустақиллик куни байрамига тайёргарлик

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1 сентябрни байрам ҳамда дам олиш куни — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ўртоқ Ш. М. Йўлдошев бошчилигида республика комиссияси тузилсин. 29 кишидан иборат комиссиянинг таркиби тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқсинлар ва уни тасдиқласинлар. Тадбирларда халқ сайллари, байрам савдоси уюштириш назарда тутилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари фуқароларнинг истак ва талабларига биноан 1 сентябрь куни Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятларнинг марказларида тантанали тадбирлар ўтказсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентига мустақилликнинг бир йиллигги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинганларнинг айрим тоифаларига нисбатан умумий афв (амнистия) эълон қилиш имконини қараб чиқиш таклиф этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

— республика мустақиллигини қарор топтиришга салмоқли ҳисса қўшган фаол меҳнаткашларни, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий рағбатлантиришни назарда тутсин;

— Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишлаб кўкракка тақиладиган эсдалик нишонлар ва совға буюмлар чиқарилишини таъминласин.

5. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари, телевидение ва радиоэшиттиришлар давлат компанияси Мустақиллик кунига бағишланган махсус рукн ва туркум эшиттириш ҳамда кўрсатувлар ташкил этсин. Оммавий ахборот воситаларига республика мустақиллигининг қарор топиши тарихини, унинг янги ички ва ташқи сиёсатини кенг кўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

Олий Кенгаш Раёсати кўп миллатли мустақил Ўзбекистон халқи ҳозирги пайтнинг тарихий аҳамиятини чуқур англаб етади, республика мустақиллигининг бир йиллигини ҳамжиҳат бўлиб, қардошларча дўстлик вазиятида, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ижобий натижалар билан кутиб олади, деб қатъий ишонч билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 17 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ЮЗАСИДАН ТУЗИЛГАН РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ

ТАРКИБИ

Йўлдошев Шавкат Муҳиддинович — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, комиссия раиси

Аширбеков Уббиниёз — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, комиссия раисининг ўринбосари

Ражабов Раҳим — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби, комиссия раисининг ўринбосари

Самандаров Эркин — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари

Фозилбеков Атҳамбек Иброҳимович — Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раисининг ўринбосари

Олимжонов Омон Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Котибиятининг бошлиғи, комиссия котиби

комиссия аъзолари:

Абдувосиқов Абдуманноп — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қурилиш, архитектура, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш қўмитасининг раиси

Абдураззоқов Убайдулла Аббосович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

Алламуродов Бўри Алламуродович — Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг раиси

Алматов Зокиржон Алматович — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири

Арзиматов Атҳамжон Сотволдиевич — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби

Боқибоев Эркин Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси молия вазири

Воҳидов Эркин — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари қўмитасининг раиси

Қодиров Пиримқул — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари қўмитасининг раиси

Корнева Бернора Раҳимовна — Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси

Қаюмов Малик Қаюмович — Ўзбекистон Кинематографчилари уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби

Мадаминов Салой (Муҳаммад Солиҳ) — «Эрк» демократик партиясининг раиси

Мирқосимов Мираҳмад Мирҳожиевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг раиси

Муҳаммад Дўст Мурод — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг раиси

Назиров Обид — Ўзбекистон Республикаси Физкультура ва спорт қўмитасининг раиси

Расулов Маҳмуджон Мўминович — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби

Ризаев Қулаҳмад Тошпўлатович — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари

Сайдалиев Сайфулла Давирович — Тошкент вилоятининг ҳокими

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори

Ҳабибуллаев Пўлат Қиргизбоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар қўмитасининг раиси

Ҳакимов Зафар Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи

Хлебушкина Антонина Павловна — Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори

Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович — Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиокомпаниясининг раиси

Чжен Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат вазири

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ МУАММОЛАРИ

● Ўзбекистон аҳолиси бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим ва айни пайтда машаққатли палласини бошидан кечирмоқда. Муҳими шундаки, бозор иқтисодиётн бирдан-бир тўғри йўл эканлигини жаҳон мамлакатлари тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. Машаққатлиси эса тўғри йўлдан юриш осон эмас экан. Биз хаёлий бир жамият эмас, балки ҳисоб-китобли, даромад билан харажат мутаносиблигига асосланган ва айни вақтда инсон яшаши учун қулай бўлган жамият қуришни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу йўлдан қайтиш йўқ, буни ҳамма яхши тушунади.

Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидаси бўйича ҳар бир хизмат ёки маҳсулот унга сарфланган харажатни тўла қоплаб, шу иш билан шуғулланадиган корхонага озми-кўпми даромад келтириши керак, бўлмаса корхона синади.

Бу борада биз бир мавзу устида тўхталиб ўтмоқчимиз. У ҳам бўлса шаҳар транспорти билан боғлиқ бўлган муаммолардир.

Сўнгги пайтда собиқ Иттифоқ республикаларидан келтирилаётган транспорт воситалари: автобус, метро вагони, троллейбус, трамвайларнинг нархи бир неча баробар ошди. Аниқроғи: битта автобуснинг баҳоси 24 баробар, такси машинасининги эса 31 баробар, бензин — 42 баробар, 1 киловатт электр қуввати 3,7 баробар, 1 дона автомобиль шинаси 21 ярим баробар ошди. Шу сабабли ҳозир бир фуқарони ташиш учун автобус, трамвай, троллейбус ёки метродаги ўртача харажат 2 сўм 64 тийинни ташкил қилмоқда. Хўш, шаҳар транспортида янги баҳолар жорий этилгандан сўнг шундай миқдорда ҳақ тўлаймизми-йўқми?

Республика ҳукумати бу масалани кўриб чиқиб, барча шаҳар транспорт турларидан фойдаланиш ҳақини бир хил — 1 сўм қилиб белгилади. Бу пул транспортга кетадиган сарф-харажатни қопламайди. Ҳар бир фуқаронинг ҳар гал транспортдан фойдаланган учун давлат бюджетидан яна 1 сўм 64 тийиндан маблағ ажратилади, бўлмаса шаҳар транспорти тўхтаб қолади.

Шаҳар атрофига қатнайдиган транспорт хизматидан фойдаланиш нархи 3,3 баробар оширилди.

Енгил ва маршрутли таксиларда юриш ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш эркин нархга ўтказилади. Фуқароларнинг манфаати кўзланган ҳолда транспортнинг бу хилидан фойдаланадиган корхоналарнинг рентабеллиги эса 30 фоиздан ошмаслиги қайд этилди.

Россия ва бошқа давлатлар ўзларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга эркин нархлар қўймоқда. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштиргани ҳолда аҳоли турмуш даражасини оғирлаштираяпти. Лекин бошқа илож йўқ. Шуни таъкидлаш лозимки, бу узоққа чўзилмайди. Россия Президенти ва иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобига кўра, бу ҳол ярим ёки бир йил давом этиши мумкин. Шундан сўнг барқарорланиш жараёни бошланиб, нарх-наво пасаяди. Айримларда қачонгача биз Россияга қараб турамиз, бозор иқтисодиётига мустақил давлат сифатида алоҳида ўтишимиз мумкин эмасми, деган савол пайдо бўлар. Шуни таъкидлаш керакки, биз рус «рубли» ҳудудидаги мамлакатлар қаторидамиз. Россиядан шу сўм ҳисобида республика учун зарур бўлган ёнилғи, транспорт, эҳтиёт қисмлар келтирамиз. Шу сабабли у ерда бўлаётган ўзгаришлардан ҳозирча ҳоли бўла олмаймиз. Бу кимнингдир ҳоҳиш-иродаси бўлмай, шу куннинг объектив ҳақиқатидир.

Мавзуга қайтиб, яна шуни айтиш керакки, шаҳар транспортидан фойдаланиш баҳоси 1 сўм бўлганда ҳам унга кетаётган харажатларнинг атиги 65,1 фоизи қопланади, холос. Давлат бюджетидан бу мақсадлар учун йилига яна бир ярим миллиард сўм дотация ажратилади.

Оғир аҳволдан чиқиш мақсадида шу кунда республикадаги нефтни қайта ишлаш заводларини арзон маҳаллий хом ашё билан таъминлаш, шу асосда ўзимизда ёқилғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўллари қидирилмоқда, транспорт корхоналари аҳоли учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Бошқа бир қанча тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Чет элдан кўп қулайликларга эга бўлган замонавий транспорт воситаларини харид қилиш, бартер йўли билан транспорт воситаларини келтириш бўйича бир қанча вазирликлар ва идораларга ҳукумат томонидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илгари имтиёзларга эга бўлган уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, талабалар ва ўқувчилар ҳамда фуқаролар айрим бошқа табақаларининг транспортдан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқлари сақланиб қолади. Республика ҳукумати шу мақсадлар учун 217,3 миллион сўм маблағ ажратишни кўзда тутмоқда.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг матбуот шўъбаси.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

Кундалик суҳбатларимизда бенхтиёр «бугуннинг талаби», «ҳаётнинг талаби» деган жумладан фойдаланамиз. Биз, бу билан аслида халқнинг фикрини, одамларнинг талабини назарда тутамиз.

Бугунги кунда халқнинг талабларини санаб ўтмоқчи бўлсангиз, тўғриси, бу саноқнинг адоғига етиш қийин бўлиб қолади. Лекин, майда-чуйда муаммоларни жамлаб, ҳозирги вазифаларнинг асосий йўриқларини аниқлаб олмоқ керак бўлади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлар тўғрисидаги хати диққатга сазовор бўлди.

• *Акс садо*

КЎЛАМНИ КАТТА ОЛМОҚ КЕРАК

Хулоса, халқнинг оғирини А, партия партия бўлишгил қилиш, унга кўмаклашиш бўйича нима иш қилянти, ҳаёт қийинчиликларига, муаммоларига қандай муносабат билдиряпти, деган ҳақли савол тобора ҳаёт оқимининг юзасига қалқиб чиқмоқда. Одамлар: партия қурилишининг ташкилий масалаларини йўлга қўйиб олиш учун нисбатан кўп муддат шуғулланилди; энди марҳамат қилиб, партия Дастурини амалда бажаришга ўтмоқ керак, амалий иш қилмоқ керак, деган гапларни айтмоқдалар. Ҳаётнинг оддий кузатувчиси бўлиб қолманглар, демоқдалар.

Биз, партия ташкил топганидан буён вақтни қўл қовуштириб ўтказдик, деб айтмоқчи эмасман. Жойларда партиямизнинг Раиси, Республикамизнинг Президенти И. А. Каримовнинг одамларни ижтимоий ҳимоялашга тааллуқли Фармонлари қандай бажарилаётгани бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўрганиб борилди. Қумқўрғондаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» давлат хўжалигида партия ташкилоти котиби Бўри Эшбоев, масалан, савдо нуқталари ишини партия аъзолари оталиққа олиши лозимлиги ташаббуси билан чиқди. Шу йўл билан хўжалик ҳудудидаги магазинларда аҳолини зарур моллар билан таъминлаш борасидаги жиддий камчиликлар очиб ташланди. Ёки Олтинсой районидаги К. Маркс номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Амир Норбоев қийналиб қолган оилаларга арзон нарх билан қўшимча бўғдой сотиш, меҳнат ва уруш фахрийларига моддий ёрдам бериш лозимлиги ҳақидаги фикрларини хўжалик маъмуриятига ўтказа билди. Бир вақтлар «коммунистик тарғиботчи» бўлган Норбоев бугунги шароитда оғизда эмас ,амалда чин ташкилотчи эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, у аъзолик бадаллари хўжаликнинг бухгалтериясидан ҳар кимнинг иш ҳақидан ушлаб қолинса деган тартибни рад қилди. Партиявий интизом бадал тўлашдан бошланади, бадал тўлашда кўринади, деди. У котиблик қилаётган ташкилотнинг аъзолари партия Низоми талабларини бажаришда, тўғриси, намунали фаолият кўрсатмоқдалар.

Партия аъзолари маҳалла қўмиталари фаоллари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб олишган. Хўжалик раҳбарими, магазинчими, ҳисобчими, ким бўлишидан қатъи назар ҳамма яхшилигу адолат йўриғларига бўйсуниши лозим деган гапни устивор қилиб олишган. Аниғи, ташаббусни қўлга киритишган.

Мен, масалан вилоятимизда 784 та бошланғич партия ташкилотларининг ҳаммаси шу тарзда фаоллик қилишяпти. деб мақтана олмайман. Қандайдир ишлари қовушмаганидан, ҳафсалалари пир бўлиб, қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқчи бўлаётганлар, «бугун-ку ўтди, эртага ҳам бир гап бўлар-да» деб ўзларини овутаётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин, Норбоевга ўхшаб яхши ишлаётганлар ҳам оз эмаслиги ва умуман ҳаётда турмуш воқеаларига бефарқ қарамаётган одамларнинг кўплиги, партия аъзоларининг кўплиги «ишласа бўлар экан» деган гапнинг ҳаққонийлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Лекин, «фалон омборчи фалон магазинга шакарни белгиланган меъёрдан беш килограмм оз берибди», деганга ўхшаган гаплар билан ўралашиб қолмаслигимиз керак. Миқёсни кенгроқ олиш вақти келди. Бу миқёсларни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Марказий Кенгаш биринчи котибининг «хўжаликлар ...ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни четга чиқариш учун лицензия олишда бюрократик сансалорликка дуч келмоқдалар», деган гапи ўз вақтида халқнинг талабини ифодалаб айтилган гапдир. Бу билан мен тўралар фақат юқори идораларда бўлар эканда, демоқчи эмасман. Юқори идорадагилар шуни билиш синки, юқори қанча бюрократ бўлса, қуйи идора ҳам шунча бюрократ бўлади. Айтмоқчиманки, лицензия беришга ўхшаш юмушлардаги сансалорликлар вилоят идораларида, ҳатто, район идораларида ҳам содир бўлиб туради.

Энди бирон воқеани қайд қилиш, шунчаки муносабат билдириш — ўз йўлига. Арзгўй, «сенга менинг гапим қайд қилиб қўйилсин», деб арз қилмайди. У амалий ёрдам сўраб арз қилади. Амалий ёрдам олишга кўзи етмаса, иккинчи марта умуман дил ёриб бирон гапини айтмайди. Мен Марказий Кенгаш котибининг бюрократик сансалорлик ҳақидаги фикрини республика ҳукумати инобатга олиб, тегишли тадбирларни белгилайди, деб умид қиламан.

Хатнинг кадрларни танлашга бағишланган бандлари эътиборга сазовор. Ҳозир вилоят ҳокими бир кишини юқорироқ лавозимга тайинлаш маросимларига вилоят Кенгаши биринчи котибини ҳам таклиф этяпти. Ҳар қалай кадрларни танлашда ҳокимият партия кенгашлари билан маслаҳатлашиб турибди. Лекин, «ноқобил раҳбарни ўзгартириш масаласини пайсалга солмасдан қўйишимиз керак», деган гапга ҳокимият органлари қандай муносабат билдириши кўп нарсани ҳал қилади.

● Сиёсатда сиполик, тортинчоқликдан кўра курашчанлик, талабчанлик, маррани, ташаббусни ўз қўлига олиш учун меҳнат қилиш фазилат ҳисобланади. Вазифаларимиз аниқ. Уларни уддалай билиш эса қуруқ гап билан бажариладиган иш эмас.

Ҳ. ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг иккинчи котиби.

ПАРТИЯ МАБЛАҒИДАН

ХДП Қарши район кенгаши биринчи котиби М. Бердиева «Ўзбекистон овози» мухбирлар пунктига телефон қилиб шундай деди: Партия фаолларимиз рўзномамизнинг молиявий оғир аҳволга тушиб қолмаслиги учун қўлларидан келганича ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилишяпти. Улар йилнинг иккинчи ярми учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиб, унинг муштарийлар сонини аввалги даражада сақлаб қоламиз, демоқдалар. Бугун район кенгаши «Ўзбекистон овози» рўзномаси жамғармасига уч минг сўм пул ўтказди. Арғамчига қил қувват, деганларидек, бу ҳам ҳар ҳолда озгина бўлсада мадад-ку. Шунингдек фахрийлардан ўн киши партия маблағи ҳисобидан бепул обуна қилиндилар. Улар орасида Қ. Эшмуродов, Н. Янгиева, А. Раҳимов, Н. Қаршиев, Я. Омонов, М. Чориева, Э. Саидов каби партия, совет ва хўжалик органларида узоқ йиллар ишлаб эндиликда фахрийлик гаштини сураётган кишилар бор.

Куни кеча «Партия XXII съезди» давлат хўжалигида яшовчи, ХДП аъзоси, меҳнат фахрийси М. Чориева туғилган кунинг 72 йиллигини нишонладик. Унинг хўжалик учун жуда кўп меҳнати сингган. Унга рўзномага йилнинг иккинчи ярми учун обуна қилинганлиги тўғрисидаги варақани совға қилиб бердик. Бундан М. Чориева жуда хурсанд бўлди.

Район хўжаликлари иқтисодий танглик сабабли илғор ишчи ва колхозчиларни, меҳнат фахрийларини рўзномага бепул, яъни хўжалик ҳисобидан обуна қилишаётир. Бу борада «Қовчин», «Ленинизм», «Ленин йўли» давлат хўжаликлари раҳбарияти ва партия ташкилотлари яхши фаолият кўрсатишмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ 1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ВА СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТЛАРИГА ТИНГЛОВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— ижтимоий-сиёсий муносабатлар назарияси (сиёсатшунослик);
— амалий социология;
— журналистика;
— ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва бошқарув (менежмент);
— халқаро иқтисодий муносабатлар (маркетинг).

Мутахассисларни тайёрлаш кундузги ва сиртқи ўқиш орқали амалга оширилади.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ: сиёсатшунослик факультетида кундузги бўлимда 2 йил, сиртқи бўлимда — 3 йил; бошқарув факультетида — кундузги бўлимда — 3 йил, сиртқи бўлимда — 4 йил.

Тингловчилар сафига олий маълумотли мутахассислар партия ва бошқа сиёсий-жамоа ташкилотлари ва ҳаракатлари, шунингдек, вазирликлар, ҳокимликлар, уюшмалар, ишхоналар. кооперативлар, молия ва бошқа муассасаларнинг тавсиянома-йўлланмаларига биноан ҳамда алоҳида шахсларнинг аризаларига кўра, шартнома асосида қабул қилинадилар. Ўқиш давомида тингловчилар йўлланган ташкилотлари ҳисобидан менежмент ва маркетинг касблари бўйича ҳорижда амалиётни ўрганадилар.

ИНСТИТУТНИ ТАМОМЛАГАНЛАРГА ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ИККИНЧИ ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Институтга кирувчилар ректор номига ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: йўлланма-тавсиянома, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржиман ҳоли, олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

ҲУЖЖАТЛАР 1992 ЙИЛ 10 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тингловчилар суҳбатдан ва танловдан 20 июлгача ўтадилар.

II. «ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР» (0610) ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ҲАМ КУНДУЗГИ 5 ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар 3 та фандан: математика (ёзма), чет тили (оғзаки) ва она тилидан (диктант) кириш имтиҳонлари топширадилар. Ҳужжатларни қабул қилиш 25 июндан бошланади. Кириш имтиҳонлари 1992 йил 1 августдан бошланади.

ЎҚИШНИ БИТИРГАНЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛАДИГАН ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ИҚТИСОДЧИ (МАРКЕТОЛОГ) ДИПЛОМИ БЕРИЛАДИ.

Ўқишга кирувчилар ректор номига ариза билан маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома (справка), 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат топширишлари лозим. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Қабул 1992 йил Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари асосида амалга оширилади.

ЎҚИШ 1992 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа жойлардан келган тингловчилар ва студентлар ётоқхона билан таъминланади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700137, Тошкент шаҳри, Луначарский шоҳ кўчаси, 54-уй.

Телефонлар — 68-93-03, 67-16-16.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ТАШРИФЛАР ВА МУЛОҚОТЛАР

● АҚШ. Жаҳон аҳли Россия Президенти Борис Ельцининг АҚШга ташрифини диққат билан кузатиб борди. Мулоқотлар пайтида тилга олинган масалалар қайси ҳужжатларда акс эттирилади, ҳужжатларни имзолаш маросими қандай кечади?

Ҳамма нарса равшан бўлди. Оқ уйда Россия — Америка ҳужжатларини имзолаш маросими ўтказилди. Мамлакатнинг президентлари иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик дастурини имзолашди. Россия Федерацияси билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини янада қисқартириш доиралари тўғрисидаги битим ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳам ўз залвари билан тарих саҳифасидан ўрин олиши шубҳасиз.

● ФРАНЦИЯ. Украина Президенти Леонид Кравчук Францияда икки кун бўлди.

У Франция давлатининг бошлиғи Ф. Миттеран, бош вазир П. Береговуа, мудофаа вазири П. Жокс билан музокаралар олиб борди. Янги Европа учун Париж дастурининг имзоланганлиги ташрифнинг асосий нуқтаси бўлди. Украина ва Франция ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳам имзоланди.

● УММОН. Қозоғистон бош вазири Сергей Терешченко Уммон султонлиги билан тузилган бир қанча ҳужжатларга имзо чекди.

Қозоғистон нефтини ташқи бозорга олиб чиқиш имкониятларини очиш истиқболлари ҳужжатларда ўз аксини топди. Қозоғистон бош вазири Уммон бош вазирининг иқтисодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари Гейс аз-Завави билан қўшма ҳужжатларга имзо чекди.

КЎЧА ЖАНГЛАРИ

● ЮГОСЛАВИЯ. Сараевода мусулмон ва серб жамоалари тузилмалари ўртасида яна шиддатли жанглар бошланганлиги хабар қилинади.

Жанг давомида шаҳарнинг турли жойларида снаряд ва миномёт миналари портлади. БМТ кучлари штабининг қўмондони канадалик генерал Луис Макензи қарама-қарши томонларнинг ўт очишни тўхтатишларига эришишга уриниб кўрди. Унинг ҳаракатидан сўнг ўқ овозлари бир неча соат эшитилмай турди. Аммо, кечга яқин яна тўқнашувлар бошланган.

ГАЗЕТАНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

● ЯПОНИЯ. «Нихон Кэйдзай» газетаси мамлакат ташқи ишлар вазирлиги доираларида олинган маълумотга асосланиб шуни хабар қилди:

Саноати ривожланган етти мамлакат энди Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига ялпи ёрдам бермайди, балки собиқ Совет Иттифоқи республикаларидан ҳар бирига бериладиган кўмакни мувофиқлаштирадиган алоҳида гуруҳлар тузади.

Маълумки, етти етакчи мамлакат — Англия, Италия, Канада, АҚШ, Франция, ҒФР ва Япония раҳбарлари июль ойида Мюнхен шаҳрида учрашадилар. Шу кенгашда юқорида тилга олинган аҳдлашувга эришилади деган тахмин қилинаётир.

ХАЛҚАРО БАНККА АЪЗО БЎЛДИ

● Россия жаҳон банкига расмий аъзо бўлиб кирди.

Россия Президентининг Қўшма Штатларга расмий ташрифи чоғида Россия Федерацияси бош вазири вазифасини ижро этувчи Егор Гайдар Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки низоми ҳамда Халқаро ривожланиш уюшмасининг низомига имзо қўйди.

ТАНЛАБ ОЛИНГАН ЙЎЛГА СОДИҚЛИК

● ХИТОЙ. Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош котиби Цзян Цзэминнинг олий партия мактабида сўзлаган нутқи матни тарқатилди.

Хитой бундан буён ҳам ўз ислоҳотларини капиталистик дунё тажрибаларини ўрганиш ҳисоби билан олиб бораверади. Аммо, танлаб олинган йўл — социалистик йўлдан қайтилмайди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталар хабарлари асосида тайёрланди).

• *Афғонистондаги вазият*

ҲОКИМИЯТ УЧУН КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Июнь ойининг охирида Афғонистон муваққат президенти Сибғатулло Мўжоддининг ҳокимият тепасида туриш муддати тугайди. У мазкур лавозимни Нажибулло тузуми барбод бўлганидан кейин эгаллаган эди, бинобарин, Пешаворда апрель ойида мужоҳидлар билан эришилган аҳдлашувга мувофиқ энди — икки ойдан кейин бу лавозимни Афғонистон ислом жамиятининг раҳбари Бурҳониддин Раббонийга топшириши керак.

Хорижий шарҳчилар тахмин қилганидек, Кобулдаги олий ҳокимиятнинг алмашиниши илгари тасаввур этилганидек, осонгина ўтмайди. Дунёдаги оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра С. Мўжоддеди давлат тепасида қолиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. У баёнот бериб, Раббонини ўтиш даври мобайнида муқобил ҳукумат тузди, деб айблади.

Бу ҳол мени илгари зиммамга олган мажбуриятлардан халос этади, деб ҳисобламоқда Мўжоддеди. Айниқса, ҳозирги муваққат президентнинг гапларига қараганда кўпгина қабилаларнинг обрўли зотлари вилоятлардаги ҳокимият вакиллари уни Афғонистон Ислом давлатининг бошлиғи лавозимида қолишга кўндиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Мўжоддеди янги ҳарбий-сиёсий уюшма тузилганини эълон қилди, бу уюшмага «Афғонистон миллий нажот жабҳаси»нинг, «Афғонистон ислом бирлиги партияси»нинг аъзолари, шунингдек мамлакатнинг шимолий вилоятларини назорат қилиб турган дала командири Абдул Рашид Дўстумнинг бўлинмалари киради.

Кобулдаги янги раҳбарият билан Афғонистон ислом партияси раҳбари Гулбиддин Ҳикматёр ўртасида сезила бошлаган муроса аниқ натижалар бермади.

«Мен ҳокимият тепасида турар эканман, ҳукуматимда Ҳикматёрга ўрин йўқ», — деди Мўжоддеди. Бундан ташқари у ўз рақибини инсон ҳуқуқларини бузишда, тинч аҳолини талаб ва ўлдиришда айблади.

Ассоши эйтед Пресс агентлиги шарҳчиларининг таҳминларига кўра, ҳозирги Афғонистон раҳбарияти бошлиғининг қаттиқ позицияси мужоҳидларнинг омонат уюшмасини барбод қилиши мумкин. Уларнинг фикрича, ҳозир Мўжоддеди шахсий ҳокимиятини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

• ОДОБНОМА

● Халқимиз — маънавий бой халқ. Унинг меҳр-оқибати, катталарга ҳурмат, кичикка иззат, миллатпарварлик, бир ғоя атрофида жипслашибгина қолмай, балки унинг учун жон фидо қилиш каби ажойиб фазилатлари борки, очиғини айтганда, бунга бир қадар шикаст етганди. Хайрият, ўзлигимизни англаш, қадриятларимизга қайтишдек мустақиллик шабадалари эсмоқда.

ПОЙДЕВОРСИЗ УЙ БЎЛМАС

Бу илғор ғояли кишилар, миллат орзуси эди. Лекин мустақилликни қуруқ гап-сўзлар билан мустаҳкамлаб бўлмайди. Ахир пойдеворсиз уй бўлмас. Умуминсоний фазилатлар, ватанпарварлик туйғулари, тил ва миллатни севиш ҳислари ва миллий ғурур унга асос бўлмас экан, олға босиб бўлмайди. Бу уч олийжаноб туйғуни халқимиз онгига ёшликдан сингдира олсак, аминманки жумҳуриятимиз мустақиллиги кун сайин мустаҳкамланиб бораверади ва унинг халқи эркпарвар шоир Чўлпон айтганидек «Кишан киймай — бўйин эгмай» тараққиёт сари интилиб, фаровон ҳаётга эришади. Бунинг учун ҳаётимиз қомуси деб билган бу уч хислатни боғчадан бошлаб, тўлиқсиз ўрта мактаб, ўрта мактаб ва олий мактабларда босқичма-босқич ўтамоғимиз даркор.

Умуминсоний фазилатлар деганда имон поклиги, виждон ва номус, ориятлилик кўзда тутилади. Лекин бу уч маъно яна кўпгина бошқа инсоний фазилатларни ҳам ўз ичига олади. Меҳр-шафқат, оқибатлилик ва садоқат, ибо-ҳаёт, ота-онага ҳурмат ва ғамхўрлик, оилага муҳаббат ва ҳурмат, ҳар бир ишда масъулиятни сезиш каби фазилатлар борки, бу инсон кўркидир. Бу фазилатлар бағрида камол топган инсон худбин эмас, балки ҳавас қилса арзигудек одам бўлаолади. Ана шу умуминсоний фазилатлар қуруқ сўз ёки шиорий чақириқлар билан эмас, балки ҳаётдаги яхши ва ёмон томонларни очиб бера оладиган таъсирчан мисоллар орқали одам руҳига сингдирилади. Халқимизда ота-она рози — худо рози, деган гап бор. Оналар қадр-қиммати, иқболини кўтаришдаги ишларимиз хайрли. Лекин биз ота-она обрўйини баббаравар кўтарсаккина кўзлаган мақсадга эришамиз. Она шаънига юз бор мадҳ айлаганда лоақал ота номини бир бор бўлсада тилга олсак дейман. Илгаритдан ота номи улуғ саналган. Афсуски, кейинги пайтларда оталар обрўсига путур етди. Бунга аввало ичкиликка хуруж қўйган, ёмон йўлларга кириб кетган оталарнинг ўзлари ҳам айбдор, албатта. Лекин енгил-елпи ҳаётга, бойликка ҳирс қўйган оналар унутган болаларни ардоқлаб ўстираётган оталар ҳам йўқ эмаску.

Ҳар бир инсон учун унинг туғилган уйи ва униб-ўсган диёри муқаддас ватандир. Ўз Ватанини ардоқламоқ ҳар бир катта-кичик ватан фарзандининг буюк бурчи бўлмоғи керак. Ватанга ҳиёнат энг оғир жиноятдир. Ёшларда Ватан мудофааси учун жонини фидо қилиш туйғуларини уйғотиб, ёв қочганда эмас, балки ёв келганда ботир кўпайсин, деган, хиссиётларни уйғотиш зарур. Ўқни елкадан эмас, балки кўкракдан еб ўлса шаҳид, ғолиб бўлса, ғози эканлигини тинмай тушунтириш керак. Зеро «Вафосизга ватан йўқ», деган доно халқимиз. Ватанпарварлик бу — жипслашиш, бир тан ва бир жон бўлиб ҳаракат қилишдир. Бу хислатларга эга бўлмаган ҳар қандай халқ қулликка маҳкумдир.

Жоним Ватан, кўрар кўзим Ватан деган эдилар буюк даҳолар. Ватан ўрнини ҳеч нарса боса олмаслигини Бобурнинг «оёқ етгунча кетгайман» дея айтган дил туғёнлари, чет элларда яшаётган ватандошларимизнинг бирдан бир орзуси Ватан тупроғини ўпиш эканидан ҳам билса бўлади.

Кимда ким ўз миллатини ва она тилини севмас экан, ўз элида ўзга киши саналур. Ўз миллати ва она тилини қадрламаган ҳар қандай одам ўзга миллатни ҳам, тилни ҳам қадрига ета олмайди. Тил тарихимиз, миллат руҳини ва дилини акс эттирувчи, бинобарин эркин ва ривожланишимиз омилидир. Шунинг учун ҳам тил маънавий мулк ва мустақил давлат таянчи. Бунинг устига тил — дил таржимони ва руҳий ҳолатни англатувчи восита эканлиги кўпчиликка аёндир.

Хуллас, миллат ва ўз она тилини севган ҳар бир мустақил давлат фуқароси бунга амал қилиб қолмай, унинг равнақи ва буюклиги учун муттасил курашиб, чин қалбдан меҳнат қилиб, тиришмоғи шарт. Жумладан, миллатнинг ривожи учун жондилдан илм-урфонга эътибор бериб, дунёвий фанлардан манфаатдор бўлмоғимиз шарт. Илм истиқболига «кўк чироқ» ёқиб, ҳақиқий истеъдод эгалари — дилдан ўқишни хоҳлаган ёшларга ҳар тарафлама моддий ва маънавий шароит туғдирмоқ шарт. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўқиш давомида «2» қўйишни жорий этиш замон талабидир. Бу ёшларни саралашда асосий омиллардан бири, деб ҳисоблайман.

Оммавий тарғибот ишларимизда санъат ва адабиётга, қадриятларимизга эътибор кучайтирилаётгани жуда яхши. Лекин ишлар меъёрдан ошиб кетаётганига мисоллар ҳам йўқ эмас. Техника тараққиёти ва фаровон турмушга фақат чилдирма чалиб, ашула айтиб, шеърият билан етишиб бўлмайди-ку! Илм даргаларини ҳам тарғиб этиш, каттакичик техник кашфиётларни кенг оммага кун сайин етказишни мустақиллик талаби деб биламан. Ойнаи жаҳонда «Шоир ён дафтаридан» ёки «Камолот сари» кўрсатувларига бир соатлаб вақт ажратилиб, «Фан уфқларига» 10—15 минут ажратилади, холос. Тараққий этган фан-техникасиз миллат ва тилни севиш пуч ёнғоқнинг ўзгинаси-ку, ахир! Тили равон, миллати ҳар тарафлама билимдон, камол топган давлатгина мустақиллик талабига жавоб бераоладиган ва тараққий этган давлатлар орасида ўзига муносиб ўрин эгаллай олади.

Она тилини севиш халқаро муомала учун зарур деб топилган инглиз, олмон, француз, рус ва хитой тилларини ўрганмаслик деган сўз эмас. Биронта бошқа тилни билиш ўзига яраша бир бойликдир, деган доно-лар. Бу фан-техника тараққиётига юз ўгирган мустақил жумҳуриятимизнинг долзарб талаби деб биламан. Ана шундай замон талабига жавоб бераоладиган миллат шахсларида миллий ғурур ҳам ёнма-ён ривож топган бўлиши керак. Миллий ғурур кенг қамровли маънони акс эттирувчи ибора ҳисобланиб, юксак маданиятли, буюк инсоний фазилатлар соҳиби бўлиш ва туб маънода онгли бўлишни талаб этади. Табиатни муҳофаза қилиш, ер усти ва ости бойликларидан тежамкорлик билан фойдаланиб, уларни келгуси авлодлар учун мерос қилиб қолдириш ҳам миллий ғурур эканлигини унутмаслик зарур. Миллий ғурур эгаси бўлган ҳар бир фуқаро ўғирлик, фирибгарлик, порахўрлик ва уюшган жиноятчиликка қарши ашаддий душман бўлмоғи ва шулар асосида ёшликдан гуноҳ ва савобнинг асл маъносини тушуниб, ёшларни ҳам ҳар тарафлама поклик-ка ўргатмоғи керак бўлади.

Миллий ғурурнинг асосий бўлакларидан яна бири ёш йигит-қизларга жисмоний тарбияга иштиёқ туйғусини сингдирмоқ, деб тушунаман. Соғлом танда-соғлом ақл деган гап кўпчиликка аён. Бундан ташқари, мустақил давлат мудофааси ва ривожи учун соғлом, бақувват фуқаролар даркор бўлиши билан бир қаторда спорт усталари, чемпионлари ҳар қандай мамлакатни дунёга танитади ва бу ўз навбатида унинг халқи учун улкан ғурур ҳамда шодликдир. Афсуски, мустақил Ўзбекистонда кўпчилик миллат ва элатлар яшар экан, улар орасида ўзбеклардан шу кунгача оламшумул чемпионлар саноқли даражада ёки аниқроғи йўқ деса ҳам бўлади. Нега шундай? Бунинг асосий сабаби маҳаллий-ўзбеклар орасида биринчидан, спортнинг кам ривож топгани бўлса, иккинчидан, тренерларнинг бу масалага масъулиятсизлик билан қараши деб биламан. Шу боисдан бу соҳани тараққий эттириш учун тренерлар хизматини бошқалар қатори албатта ўзбеклардан чемпионлар тайёрлаш билан баҳолашни асосий шарт, деб билишни кун тартибига қўймоқ керак.

Шоир Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда: Менга Пушкин бир жаҳону, лек Навоийдек бобом бор, деган ҳиссиёт билан бир умр яшамоғимиз зарур. Миллатини ва ўз она тилини севиб, ҳақиқий миллий ғурур эгаси бўлган ҳар қандай ўзбек бир-бирини оёқдан тортиш, узоқни кўра билмаслик, ҳасадгўйлик, буюк мустақиллик йўлида бирлашмаслик каби иллатлардан бутунлай воз кечишига ишонаман.

Жумҳуриятимизнинг олиму-фозил, шоиру адиб, ишчию-деҳқони бугунги кунда қўлни қўлга бериб, энг эзгу туйғуларини намойиш этиб, меҳнатда ўзини кўрсатиб яшайдиган замон келди. Бу кунларнинг ҳар лаҳзаси улуғ ва бетакрор. Шундай экан, биздан боғу-роғлар қолсин, яхшилик қолсин! Шунга интилайлик, азизлар.

Мирмажид ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог.

Шароф Рашидов туғилган кунининг 75 йиллиги олдидан

ОРЗУЛАР ҚАНОТИ

● Ўзбек халқининг севимли фарзанди Шароф Рашидов ташаббуси билан етмиш тўққизинчи йилда Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги Помуқ чўлида — на бир туп бута, на бир туп дарахти бўлган қоратир қумли кенгликлардан иборат ерда Баҳористон райони ташкил этилганди.

— Ўшанда мен «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи директори эдим, — дея эслайди ферма мудири Нурмамат ака Рустамов. — Хўжалигимизга Шароф ака ташриф буюрдилар. Машҳур қўйчивонимиз Тўймурод Нуриевнинг қора ўтовида меҳмон бўлишди. Қўйчивонлар билан давра қуриб суҳбатлашди. Баҳор унчалик серёғин эмасди. Ўт-ўлан кам. Атрофга разм солиб Шароф ака «Қани Тўйлибой ука, сурувга сурув қўшиладими» дедилар чўпоннинг кифтига қоқиб.

— Сиз келдингизми, яйловларимизга энди барака келади, сурувга — сурув қўшилади, — деди кулимсираганча Тўймурод.

Шароф Рашидов «Баракалла» деб қўйди. Кейин у киши Помуққа қайтиб, бўлғуси район фаоллари билан учрашди.

— Бу ерлар қир-адирлардан иборат эди, — деди Шароф ака. — Мана, асрлар оша ташна чўлларга сув келди, ҳаёт келди. Инсон кўдами тегиб, яшнаб бормоқда. Энди бу ерларнинг баҳори бошланди. Бу интиҳоси йўқ, туганмас баҳор бўлади. Янги район тузиб, уни Баҳористон, дея номлаймиз...

Бир неча кундан кейин янги район тузилиши ҳақида республика Олий Кенгаши Раёсатининг Фармони чиқди. У «Ўзбекистон» наслчилик заводи базасида вужудга келганди. Бу она-хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари Нурмамат Рустамов ўз меҳнати билан оддий чўпонликдан йирик қоракўлчилик хўжалигига раҳбарликкача кўтарилган эмасми, у янги район раҳбарларидан маслаҳатини, керак бўлганда шарт-шароитга қараб амалий ёрдамини аямади.

У меҳнатсевар, ишбилармон киши бўлса-да лавозимга ўч эмасди.

Ёши олтмишга етиб, пенсияга чиқишни орзу қилганда чўпонлар «жамоани тарк этмайсиз» деб туриб олишди. Нурмамат ака барибир директорликни шогирди, бош зоотехник Ашурбой Хўжамовга топширди. Ўзи ферма мудири бўлиб қолди. Камсуқум инсон Шароф Рашидов билан кўп мулоқотда бўлган.

— У киши оддий меҳнат кишиларини жуда қадрлардилар, — дейди Н. Рустамов. — «Ҳали кўрасизлар, бизнинг ишончимиз рўёбга чиқади. Баҳористон сизлардек азаматлар ғайрати билан гуллаб-яшнайди», деган гаплари куни кечагидай қулоғимда жаранглайди...

Чиндан ҳам бугунги кунда Шароф Рашидов айтганлари, белгилаб берган улуғвор режалари рўёбга чиқди. Орзулар ушалди. Сайҳонликлар, қир-адирлар ўрнини поёнсиз боғ-роғлар, пахтазорлар эгаллади. Помуқ қишлоғида ташкил топган Баҳористон посёлкасида 8 минг киши яшайди. Улар туркман, ўзбек, қрим татар, тожик, рус, қозоқ, корейс каби ўн миллатдан иборат.

Ерли аҳолининг асосий қисмини туркманлар ташкил этади. Улар қадим-қадимдан Туркманистондан келиб қолишган. Лекин борди-келди узилгани йўқ, Хўжамбоз райони билан ёндош ва жондош. Қишлоқ оқсоқоли, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нурмамат Рустамов, меҳнат фахрийлари Янгибой Абдиев, Ҳаким Сафаров, зиёли Сафар Атаков кабилар Баҳористоннинг фахри, ғурури ҳисобланишади. Улар қўриқ районнинг гуллаб-яшнашида озмунча тер тўкишмади.

Посёлка ям-яшил дарахтзорга бурканган. Кўчаларга Амударё оқар суви, ҳовлиларга Шаҳрисабздан ичимлик сув келтирилди. Бир умр тезак ёқиб тирикчилик қилган хонадонлар энди «зангори олов»дан баҳраманд...

— Чўлни одамлар ўзгартирмоқда, — дейди район ҳокимининг биринчи ўринбосари Амир Хўжамов. — Бундай кишилар ўзларидан яхши из қолдирадилар. Уларнинг эл маъмурчилиги йўлидаги саъйи-ҳаракати зое кетмади. Заҳматкаш, тун ва кунни беҳаловат ўтказаётган чорвадорлар сурувга сурув қўшмоқдалар. Қўйчивонлар сардори Нурмамат Рустамов яратган, жаҳон бозорида машҳур «жакет» навли қоракўл терилар Ўзбекистон республикаси халқ депутати Чўлимурод Берноев, довруқли чорвадор Тўймурод Нуриев, Оғаниёз Неқўйлаклари тикишмоқда. Посёлкада тўртта ўрта мактаб, иккита болалар боғчаси, йирик нон комбинати ва бошқа объектлар фаолият кўрсатмоқда.

— Хўжалигимиз районга, район эса хўжалигимизга раҳнамо, — дейди «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи директори, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, ХДП район кенгаши аъзоси Ашурбой Хўжамов. — Чунки, район муассасаларининг деярли ҳаммаси хўжалигимиз ҳудудида жойлашган. Марказда «Каршистрой» бошқармаси ва бошқа қурилиш ташкилотларининг ҳиммати билан 60 миллион сўмлик қурилишмонтаж ишлари амалга оширилди. Бу катта маблағ ўз вақтида марҳум Шароф Рашидовнинг ғамхўрлиги билан районни ижтимоий ривожлантиришга ажратилганди. Хўжаликда 52 минг бош қўй боқилмоқда. Баҳорда 21 минг бош совлиқ қўзилади. Ҳар юзидан ўртача 105 тадан соғлом қўзи олинади. Ўстиришга қолдирилган 16 минг бош қўзининг 10 мингтаси урғочидир. Шу ҳисобдан қўшимча 20 та отар ташкил этилди.

Жами 149 минг гектарли Сурхи, Хидирқудуқ, Аланг, Илонли, Зеварда яйловлари кишини бағрига чорлайди. Ҳидирқудуқ яйлови шунчалик ҳам гўзалликка бурканганки, уни тасвирлашга мусаввир қалами ожизлик қилади. Бу ерда қўй боқиб, ором билмаётган кишиларни учратдик. Завод директори таърифлаганидек, поёнсиз яйлов соҳибларидан бири Хушкелди Каримов бағри кенг, ориятли инсон. У халқ демократик партияси аъзоси. Ўн олти йилдан бери қўй боқаркан. Беш йилдан бери бош чўпон. Демак, анча-мунча баҳор билан юз кўришган.

— Хушкелди юраги тоза, ҳалол ишлайдиган чўпонларимиздан, — гапга қўшилди бош зоотехник Бойниёз Ҳалимов. — Бундай зукко йигитлар қаторда бўлса, юкинг асло ерда қолмайди. Уларнинг кўмагида хўжалик бу йил давлатга 460 тонна гўшт, 560 центнер жун, 6 минг дона қоракўл етказиб бериш, колхоз ва совхозларга 3,5 мингта наслли қўй сотишни мўлжаллаяпти.

Завод раҳбарлари чўпонлардан ҳол-аҳвол сўраган бўлишди.

— Қийналмаяпсизларми?

— Йўғ-э, ўзимизга ҳам, молимизга ҳам озуқа етарли, — деди Хушкелди Каримов. — Унимиз бор. Ошпазимиз Тангри бобо омон бўлса яйловда ҳар куни кўмма нон ёпиб еймиз. Қумғонда кўк чой, қозонда мазали шўрва қайнайди.

Тангри бобо қўли гул пазанда. Унинг тақдири ҳам яйлов билан боғлиқ. Ўттиз уч йилдан бери тер тўкади. У бу сукунатли қир-адирларни кўп кезган. Катта-кичик даврасида бўлган. Район ҳақида гап кетганида Тангри бобо ҳам Шароф Рашидовни эслади.

— У кишининг суҳбатида бўлганман. Пайғамбар сифат инсон эди. Оддий кишиларни жуда яхши кўрарди. Ҳар бир гапида «меҳнаткаш халқимиз», уларнинг фаровонлиги», деган сўзларни тилдан қўймасди...

...Биз чўпонлар билан хайрлашиб, Хидирқудуқ яйловидан қайтар эканмиз, чор атрофга разм солаётган ҳамроҳларимиздан бири завқ билан гап бошлади: Бу йил қўйлар соғлом қўзилади. Айниқса, Ура Каримов, Нурмамат Рустамов, Норли Жўраев, Болта Нургелдиев бошлиқ фермаларда сурувга янги сурув қўшилди.

Йўл-йўлакай хўжалик раҳбарлари иқтисодий тангликни бартараф этиш учун излаган имкон топади, қабилида иш тутиб, деҳқончилик соҳасидаги юмушларни ҳам кўрсатишди. Давлат наслчилик заводининг 1700 гектар майдондаги арпа-буғдойи яхшигина бошоқ олган. Ҳозир ўриб-янчиб олинмоқда. «Олтин бошоқ» мўллиги нон тўкинлиги, деган гап. Минг гектар майдонда гуркираб ўсаётган кўк бедага ўроқ тушди, 700 гектар ерда етиштирилаётган ғўза ниҳоли ривожи ҳам ёмон эмас.

Ростдан ҳам чорвадорнинг омади келди. Шунга кўра унинг кайфияти чоғ. Қалби севинчга тўла. Бугун яйловлар файзли, тароватли.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ХУШХАБАРЛАР

ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

● Балиқчи районига қарашли Бобур номидаги жамоа хўжалиги деҳқонлари йилига икки—уч ҳосил етиштиришмоқда.

Хўжаликда ўн гектар ерга экилган арпа районда биринчилар қатори ўриб олиниб, гектар бошига 37 центнердан ҳосил кўтарилди. Энди эса 105 гектар майдондаги буғдой ўрилмоқда. Унинг ҳар гектаридан 50 центнергача дон олинмоқда. Бўшаган ерларга такрорий экинлар экилади.

ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАБ

● Андижонда ташкил этилган «Ғижжаки бобурий» кичик корхонаси ўзининг ноёб маҳсулоти билан жаҳон бозорига чиқишга тайёрланмоқда.

Корхонага вилоятдаги ва Фарғона водийсидаги кўпгина мусиқасозлар, мисгарлар, пичоқчилар, зардўзлар, кулоллар, миниатюра ва расм санъати билан шуғулланиб келаётган ҳунармандлар бирлашган.

«Ғижжаки бобурий»нинг директори А. Мадраимовнинг таъкидлашича, корхона халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантиришга, қўли гул усталар тайёрлаган нодир буюмларни жаҳон бозорига олиб чиқишга хизмат қилади.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР УЧУН ЧОЙХОНА

● Олтинкўл районидаги Сайфутдин Ашуров номидаги колхозда Жалолбек деган қишлоқ бор. Шу қишлоқда яшовчи Ҳамидулла Неъматов шахсий жамғармаси ҳисобидан ҳамқишлоқлари учун чойхона қурди.

Соя-салқин жой, сифатли тайёрланган таомлар, чиройли безатилган бино ҳўрандаларни жалб этмоқда. Ҳамқишлоқлар чойхонани колхоз ишлаб чиқаришининг фахрийси, чойхона эгасининг отаси шарафига «Неъматобод» деб атадилар. Янги дам олиш жойи ёнида новвойхона, дўконлар, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди.

(ЎзА).

Халқаро ҳамкорлик

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ШИФОКОРЛАРИ— «МИКОНД» ИШЧИЛАРИГА

● Сеуллик бир гуруҳ шифокорлар етти кун давомида Тошкентдаги «Миконд» заводида бепул тиббий ёрдам кўрсатдилар.

Шифокорлар гуруҳи таркибида ўн нафар врач, тиббий ҳамширалар, доришунослар, жаъми 33 киши бор эди. Улар касалликни аниқладилар, беморларга маслаҳат бердилар, корейсларнинг анъанавий усулларидан ва замонавий тиббиёт ютуқларидан фойдаланиб, беморларни даволадилар. Даволаш учун дори-дармонлар ҳам текинга берилди. Жанубий Корея шифокорлари бир ҳафтада корхонанинг икки минг ходимига ёрдам бердилар. Яқин атрофдаги маҳаллалардан яна беш юзга яқин одамни шифокорлар қабул қилдилар.

Меҳмонларнинг яшаши ва беморларни қабул қилиш учун корхонанинг профилакторийси ва тиббий-санитария қисми уларнинг ихтиёрига бериб қўйилди.

Жанубий кореялик врачлар яхши ният билан келган эдилар. Уларнинг ҳаммаси диндорлардир. Тиббий ёрдам кўрсатиш учун уларни Сеулдаги «Алилуйя» черкови тўплаган. Улар ўз маблағлари ҳисобидан Тошкентга келдилар. Шифокорларнинг холис ният сафарларини ташкил этишда диндорларнинг Тошкентдаги «Чунь ань» бирлашмасининг пастори Юн Т. Е. ёрдам берди.

(ЎзА мухбири).

ГАЗЕТАНИ ҚЎЛЛАБ

Фарғона район газлаштириш идораси жамоаси «Шонли меҳнат» рўзномасини моддий жиҳатдан қўллашга аҳд қилди. Рўзномани 60 йиллиги муносабати билан шанбалик ташкил этишга келишилди. Бу ташаббусни 80-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна, «Фарғона» давлат хўжалиги, Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги, «Водил» давлат вилоят болалар санаторийси ҳамда мактаблар, ички ишлар бўлими ходимлари маъқуллашди. 30 май куни ўтказилган эл ҳашари ўзига хос меҳнат байрамига айланди. Район халқ таълими бўлими ходимлари рўзнома ҳисобига 10 минг сўм ўтказишган бўлса, Водил қишлоқ шўроси ходимлари 2850 сўм, район маданият бўлими 2 минг сўм, иссиқлик энергияси корхонаси ходимлари 800 сўм пул ўтказдилар. Дастлабки ҳисобкитобларга қараганда шанбалик самараси ўлароқ «Шонли меҳнат» рўзномасини иқтисодий жиҳатдан қарийб 100 минг сўм билан қўллагани маълум бўлди.

Р. ОРИПОВ,
рўзнома масъул котиби.

КАСБГА МЕҲР

Намангандаги «Шарқ» пойабзал бирлашмасида миллий оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериляпти. Бу ерда яқиндан бошлаб кавуш ва махси тайёрлаш цехлари ҳам ишга туширилди.

Корхонада бундай хушбичим миллий пойабзал маҳсулотлари тикишда уста Ҳакимжон Каримов кўпчиликка ўрнак. У қарийб 22 йилдан буён шу касбни ардоқлайди. Йигирмадан зиёд шогирд тарбиялаб етиштирган.

СУРАТДА: уста Ҳ. Каримов шогирдлари орасида.

Суратка П. АКБАРОВ.

• МУТАХАССИС МУЛОҲАЗА ЮРИТАДИ

ДЕҲҚОНБОП АВТОМОБИЛЬ

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛСОЗЛИГИНИ БАРПО ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

● Ҳар биримиз, озми-кўпми, деҳқоннинг машаққатли турмушидан бохабармиз. Деҳқон меҳнатини енгиллаштирадиган транспорт воситаси илгарилари от, ҳўкиз, эшак ва туялар бўлган. Бу жониворлар ҳосилни вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олишга имкон яратган.

Бугина эмас, от-улов ва аравалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз вақтида шаҳар бозорларига етказиб беришда ҳам қўл келган эди. Афсуски, кейинги 75 йил ичида бундай от-уловлар «Қизил китоб»га ёзиб қўйиш даражасида камайиб кетди. Албатта, ўтган йиллар ичида буларнинг ўрнини трактор, автомобиль транспорти ва ҳар хил моторли техника воситалари эгаллади.

Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Лекин шуниси ҳам аёнки, қишлоқ хўжалигида шахсий автомобиллар кам, жуда оз. Шу сабабли, деҳқоннинг не азоблар билан етиштирган мева-чевалари-ю, полиз маҳсулотларини далалардан шаҳарга етказиб беришда қийинчиликлар туғилмоқда. Етказиб берилса ҳам деҳқон бунга ортиқча меҳнат, вақт, маблағ сарф этяпти. Бозорларда мева-чева тақчиллиги ва нарх-наво юқори бўлиши сабабларидан бири деҳқонларнинг кўпчилигида қишлоқбоп шахсий автомобиллар йўқлигидир. Борларига ҳам ёнилғи кам, эҳтиёт қисмлар етишмайди ,техник хизмат кўрсатиш корхоналари йўқ даражада.

Лекин қишлоқ халқи юмушини енгил қиладиган автомобиллар билан деҳқон-фермер, жамоа хўжаликларини таъминлаш борасида астойдил қайғурилаётгани йўқ. Ҳозир жумҳуриятимизда шахсий автомобилларнинг умумий сони 1 миллионга яқинлашган бўлса ҳам, уларнинг ярмидан кўпи шаҳарликлар қўлида. Шаҳарликлар билан қишлоқ аҳолисини таққослаб, аҳоли сонини шахсий автомобиллар сонига бўлсак, қишлоқда яшайдиган 32 одамга битта автомобиль ва шаҳарда эса 8 одамга битта шахсий автомобиль тўғри келади.

Масалага мантиқан ёндашадиган бўлсак, қишлоқликлар учун 8 одамга бир шахсий автомобиль тўғри келиши керак эди. Яна бир нарсага эътиборингизни қаратаман: собиқ Иттифоқ ҳудудида қишлоқ йўлларига мўлжалланган «УАЗ—469» машинаси жами 100 минг ва «ВАЗ—2121», «Нива» 50 минг дона чиқарилгани ҳолда, «ЛуАЗ»лардан йилига 13 минг дона тайёрланади. Уларнинг ҳам аксариятидан шаҳарларда фойдаланилаётганлигини кўрамиз. Бундай машиналарнинг кўпчилиги хизмат машинаси сифатида идора ва хўжаликлар раҳбарлари ихтиёрида худди шахсий уловдек ишлатилаётганидан хабардормиз.

Ушбу масалани атрофлича ҳал қилиш учун биринчидан, жумҳуриятдаги барча қишлоқбоп енгил автомобилларни давлат идораларидан олиб, деҳқонларга арзон нархларда сотиш лозим.

Иккинчидан, шаҳарда шундай шахсий енгил автомобилларидан фойдаланганлик учун солиқни бир неча баробар ошириш керак.

Учинчидан, фаол ишлаётган деҳқон оилаларига бензин тақсимоти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида айтилган тадбирлар амалга ошса қишлоқда шахсий енгил автомобиллар анчагина кўпаяди, деб ўйлаймиз. Албатта, олдин шаҳарликлар учун умумий жамоа транспорти тизимини яхши йўлга қўйиш керак. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда бошқа хил автомобиллар билан бирга, «Джип» туридаги қишлоқбоп — ҳар хил кузовли, ихтисослашган енгил автомобилларни кўпайтириш йўлидан бориш лозим. Бунинг учун автомобилсозлиги ривож топган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик зарур. Яъни ҳорижий давлатлар билан қишлоқбоп машина ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақида шартнома тузиш зарур бўлади. Дастлаб йиғув корхоналари очиб, қисмларни йиғиб машиналар тайёрлашни ўзлаштирган маъқул. Шу йўл билан автомобиль заводлари қуриш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фикримизча, автомобиль машинасозлигини барпо этишдан аввал йиғув цехлари очиш Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу соҳадаги амалий ишларни тез бошлаш ва ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш — шу куннинг долзарб масаласи. Жаҳондаги автомобилсозлиги ривож топган давлатларнинг машиналари билан қисқача танишиб мулоҳаза юритсак, тараққиёт йўллари анча ойдинлашади, деган умиддаман. «Джип» туридаги деҳқонбоп автомобиллар ўз хусусиятларига кўра, қишлоқларда жуда қўл келмоқда. Буни Япония, АҚШ ва Ғарбий Европа автомобиллари мисолида танишиб чиқсак, мақсад анча ойдинлашади.

«Джип» туридаги машиналарнинг қишлоқбоплиги автомобилларнинг каттакичиклиги, турли йўл шароитларида юриш қобиляти ва қулайлик даражаси ўзгариб туради.

Чиқарилаётган автомобиль нусхасига қараб уч ёки тўрт цилиндрли бензин, шунингдек, дизель матори қўлланилади. Баъзи ўта катта ва бақувват нусхаларига олти ва саккиз цилиндрли «У» симон, олти литр ҳажмли, қуввати 250 от кучига эга бўлган двигатель қўйилиши ҳам мумкин. Бундай автомобиллар двигателини бошқаришни осонлаштириш учун электроника асосида ёнилғи пуркаш ва карбюраторни тежамли маромда ўз-ўзидан ишлатиш услуби кенг қўлланилган.

Шундай автомобилларнинг кичик ва ихчам нусхалари Японияда чиқарилади. Масалан, митти «Самурай» машинаси тўрт ўриндиқли бўлиб, узунлиги 3,2 метр, уч цилиндрли двигателнинг иш ҳажми 0,5 литр, қуввати 34 от кучига эга. Вазни 780—810 килограммдан ошмайди. Энг юқори тезлиги — соатига 120 километр юра олади ва ёнилғи сарфи 4 дан 9 литргача. Кичик литражли «Судзуки Витара» (бизнинг «Нива» туркумига кирувчи машина) ҳам қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи деҳқонлар учун қулай.

Бундай автомобилларнинг «Тайота», «Лэнд-Крузер», «Ниссан», «Патрол», «Мицубиси», «Паджеро», «Исудузу Трупер», «Дайхацу Роки» нусҳалари катта хўжаликка эга фермерларга асқотади. Улар жаҳон бозорларида кўплаб харид қилинмоқда. Шундай нусхалари АҚШда «Шевроле» ва немисларнинг «Мерседес—Бенц» фирмалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, «Мерседес — Унимог» универсал автомобиллари бизнинг қишлоқ ва иқлим шароитимизга жуда мос тушади. Яъни бундай машиналар қишлоқларимиз ўнқир-чўнқир йўлларидан бемалол ўтиб, дала пайкаллари ичига кириб боради. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортиш воситалари ёрдамида ўз саҳнига жойлаштиради ва тушира олади. Уларни ер ҳайдаш, текислаш каби ишларни бажаришда тракторга мўлжалланган барча қурилмалар билан жиҳозлаш мумкин.

Юқорида, автомобилларнинг қисқача тавсифи билан танишганда, улар ичида бизнинг қишлоқ шароитимизга, деҳқонга, фермерга ва жамоа хўжалигига тўғри келадиган нусхаларини танлаб олиш истаги туғилади. Ўша машиналарга эга бўлиш эҳтиёжи билан чет эл фирматори, профессор А. Муталибов ва унинг ўнлаб шогирдлари ўз ҳиссаларини қўшишларига имоним комил.

Бизда автомобилларнинг табиий-иқлим шароитимизга мос, тежамкор, сифатли нусхаларини танловчи, автомобиль конструкциясини жаҳон тажрибаси асосида таҳлил қила оладиган шогирдлар тайёрлаётган етакчи мутахассислар бор. Ҳатто уларнинг сафи кенг, дейиш мумкин. Ўзбекистон автомобилсозлигини барпо этиш, ривожлантириш ана шу кадрлар зиммасида бўлиши керак. Бу ишлар мутахассисларнинг фикрисиз амалга ошириладиган бўлса ютқазамиз. Агар фақат юқоридан берилган кўрсатма асосидагина иш тутсак, собиқ Иттифоқда автомобилсозликни яратиш борасида йўл қўйилган кўп хатоларни такрорлашимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ишни бошидан пухта қилиш зарур. Республикамизнинг бўлажак автомобилсозлиги дастлабки қадамлари жуда-жуда ўйлаб босилиши керак.

Хўш, бу ишда жумҳуриятимизга қайси корпорациялар малакали ёрдам бера олади? Қишлоқ хўжалигига «Джип» ва унинг уйчали қилиб ишланган тиркамалари, шунингдек, қишлоқда трактор ва оддий юк автомобили тарзида фойдаланиш хусусиятига эга бўлган «Мерседес—Унимог» машиналари биринчи навбатда керак. Қуввати 5,5—15 от кучига эга, ёнилғи сарфи 2—3 литргача бўлган «митти» автомобилларни Франция фирмалари ҳамкорлигида ишлаб чиқариш манфаатли. Улар кооператив тарзида, боғдорчилик ва парник усулида қишин-ёзин полиз маҳсулотлари етиштирувчи деҳқонга қўл келади. Бундай «митти» машиналарнинг пикап ва фургон шаклидаги ихтисослашган турлари ҳам бор. Улар 200—400 килограммгача юк кўтаришга қобиляти.

Яна бир мулоҳаза: АҚШдаги «Сатурн» фирмасининг «99 гуруҳи» ишлаб чиққан хулосалар ҳам диққатга сазовор, деб ўйлаймиз. Шу асосда биз билан ҳамкорлик қиладиган фирмаларга ўз мутахассисларимизни юборсак, иш тезлашган бўлур эди. Бизнингча, бу—мақсад сари тўғри ёндашув йўли бўлур эди.

● Хуллас, Ўзбекистонда автомобилсозликни барпо этишни галга солиш учун энди вақт йўқ. Тармоқ фаолияти бевосита иқтисоднётга алоқадор бўлиб, долзарб масалага айланди. Юқорида айтиб ўтилган тадбирларни бирин-кетин амалга оширсак, биринчи навбатда боғбон, соҳибкор, пахтакор ва полизчиларнинг меҳнат самараси тўлароқ рўёбга чиқарди. Бозор пештахталарига пайкалдан энди узилган қовунтарвузлар тез, бузилмасдан етиб келарди, деб ўйлаймиз.

Худойберган МАМАТОВ,
Тошкент Автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи автомобиллар кафедраси профессори.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

• *Наманган*

ПИШЛОҚ ЦЕХИ

● Чортоқ районига қарашли Ҳамид Олимжон номидаги давлат хўжалигида пишлоқ цехи ишлай бошлади, унда ҳозир кунига 20 килограмм маҳсулот тайёрланмоқда.

Унинг ҳар килограмми 72 сўмдан чаққон харид қилинмоқда.

— Республика Президентининг хўжаликлар етиштираётган маҳсулотнинг 15 фоизини уларнинг ўзларида қолдириш тўғрисидаги Фармони яхши самара бермоқда, — дейди хўжалик директори Ҳ. Умурзоқов. — Фермамизда 150 бош соғин сигир бор. Улардан ҳар куни ўртача 1350 литр серқаймоқ сут оляпмиз. Шундан 150—160 литри пишлоқ тайёрлаш учун қолдирилмоқда. Йил охиригача ихтиёримизда қоладиган 50 тонна сутнинг ҳаммасидан пишлоқ тайёрланади. Бу эса каттагина даромад беради.

• *Хоразм*

ГЎШТ КОМБИНАТИДА ТАЙЁРЛАНГАН... ПОЙАБЗАЛ

● Урганч гўшт комбинати ўз материалларидан тайёрланган пойабзалнинг дастлабки туркумини чиқарди.

Корхонада олинган хом тери шартномага мувофиқ Самарқанд, Қўқон ва Тошкент кўн заводларида ошланди. Бу заводлардан Урганчга яхши чарм келтирилди. Айни пайтда машина-ускуналар харид қилинди, усталар таклиф этилди ва янги ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эркаклар учун тайёрланган пойабзал чиройли, мустаҳкам ва анча арзон тушмоқда.

• *Қашқадарё*

СИЗЛАР УЧУН, ТАЛАБАЛАР...

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитда талабаларга қулайлик туғдириш мақсадида Қашқадарё давлат университети қошида янги савдо маркази очилди. Шуни таъкидлаш лозимки, магазин университет ректори, область совети депутати Н. Улжабоева ташаббуси билан қурилди. Унинг афзаллиги шундаки, савдо пештахталарига қўйилган моллар бозор нархидан анча арзон. Мазкур савдо марказида талабалар китоблар, кийим-кечаклар, кундалик турмуш учун зарур бўлган буюмларни харид қилиб олишлари мумкин. Суратда эса китоб харид қилаётган талабаларни кўриб турибсиз.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзА).

• *Фарғона*

АВТОМОБИЛЛАР ХОРИЖГА ҚАТНАЙДИ

Фарғона вилояти йўлларида ёнига «Ўртаосиётранс» сўзлари ёзилган автомобиллар пайдо бўлди. Булар Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо бирлашмасига қарашли шу номдаги қўшма корхонанинг Тошлоқда очилган филиали машиналаридир.

Жиззах ва Термизда ҳам филиаллари бўлган бу корхона республикамиздан хорижий мамлакатларга автомобилда юк ташиш билан шуғулланади. Тошлоқ филиалига 17 та КАМАЗ—53212 янги юк автомобиллари берилди. 75-автокорхона ва автобус-таксомотор паркидан 34 нафар тажрибали ҳайдовчи танлаб олинди. Ҳозир олис сафарга тайёргарлик ишлари кўриляпти. Шундан кейин дастлабки сафар — Афғонистон ва Хитойга жўнаб кетилади.

Филиал маъмурияти водийдаги хўжалик, корхона, ишбилармонлар билан шартнома тузиб, мижозлар талабига кўра хорижий давлатларга ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига турли халқ хўжалик юкларини ташиб беришни ўз зиммасига олади. Қайтишда эса истеъмол моллари, асбоб-ускуналар келтирилади. Транспорт хизмати ўзаро келишилган нархда амалга оширилади.

(ЎзА мухбири).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АНДИЖОН ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

1992—1993 ўқув йили учун ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун I курсга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун:

1. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш (менежмент);
2. Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиёти ва уни бошқариш;
3. Деҳқончилик-саноат мажмуи иқтисодиёти ва уни бошқариш;
4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари иқтисодиёти ва уни бошқариш;
5. Молия ва кредит.
6. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили;
7. Иқтисодий информатика ва автоматлаштирилган бошқариш системалари (АБС);
8. Халқаро иқтисодий алоқалар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун:

1. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни бошқариш (менежмент);
2. Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиёти ва уни бошқариш;
3. Деҳқончилик-саноат мажмуи иқтисодиёти ва уни бошқариш;
4. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари иқтисодиёти ва уни бошқариш;
5. Молия ва кредит.
6. Бухгалтерия ҳисоби, назорат ва хўжалик фаолияти таҳлили.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан танлов КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ топширадилар:

I. «Халқаро иқтисодий алоқалар» мутахассислиги учун:

Чет тили (оғзаки);
Математика (ёзма);
География (оғзаки);
Таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан иншо.

II. «Иқтисодий информатика ва АБС» мутахассислиги учун:

Математика (ёзма);
Информатика асослари ва ҳисоблаш техникаси (оғзаки);
Таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан иншо.

III. Бошқа мутахассисликлар учун:

Математика (ёзма);
География (оғзаки);
Таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан иншо.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан битирганлар, ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом ва институт ихтисосидаги ҳунар-техника билим юртларини аъло даражадаги шаҳодатнома билан битирганлар:

«Халқаро иқтисодий алоқалар» мутахассислиги учун чет тили (оғзаки);

Бошқа барча мутахассисликлар учун: математика (ёзма) фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар. Ана шу фанлардан «аъло» баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар. Бошқа ижобий баҳо олганлар эса қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Ўқишга кирувчилар имтиҳонлардан олган баллари миқдори бўйича ўтказиладиган умумий танлов асосида қабул қилинади. Кириш имтиҳонларидан олган баҳолари бўйича тўплаган баллари тенг бўлган шароитда институтда ўқиш харажатларини қоплаш бўйича шартномага эга бўлганлар биринчи навбатда қабул қилинади.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни илова қилиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асли; соғлиғи ҳақида 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см ўлчамли 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлганлар учун). Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирувчилар учун:

аризалар қабул қилиш — 25 июндан 31 июлгача;
кириш имтиҳонлари — 1 августдан;
талабалар сафига қабул қилиш — 22 августгача;

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчилар учун:

аризалар қабул қилиш — 25 июндан 15 августгача;
кириш имтиҳонлари — 20 августдан;
талабалар сафига қабул қилиш — 7 сентябргача.

Институт манзилгоҳи: Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 56-уй.

Телефонлар: 5-67-22, 5-62-35, 5-02-45, 5-12-78.

СПОРТ

КУЧЛИЛАР ДАВРАСИДА

● МАНИЛА шаҳрида жаҳон шахмат олимпиадаси баҳслари давом этмоқда.

Кучли шаҳматчилардан иборат Англия терма жамоасини мағлубиятга учратиб, мутасадди - мутахассисларни ҳайратга солган ўзбекистонлик дона суриш усталари мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Шахматчиларимиз еттинчи тур ўйинларида Голландия терма жамоаси билан ҳисобни 2:2 қилишди. Ҳозир улар 150 жамоа орасида кучли ўнликдан жой олиб туришибди.

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

● МОСКВАДА енгил атлетика бўйича анъанавий халқаро мусобақа ўтказилди.

Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун ўтказилган бу сафарги мусобақада ҳам республикамиз вакиллари юқори натижа кўрсатишди. Жумладан, Сергей Усов 110 метрга тўсиқлар оша югуриб, 13,57 секундлик натижа билан маррада биринчи бўлди. Лангар билан сакрашда ҳам мукофотли ўринлар қўлга киритилди. Вячеслав Арестов 560 сантиметрли маррани эгаллаб, олтин медал олган бўлса, Валерий Ишутин 5 метру 50 сантиметрли натижа билан иккинчи бўлди. Найзани 80 метр 47 сантиметрга улоқтирган Виктор Зайцев ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

● ФУТБОЛ бўйича Овруپо чемпионатида дастлабки финалчилар аниқланди.

Биринчи гуруҳ футбол жамоалари ўртасида ўтказилган якунловчи саралаш ўйинларидан кейин ярим финалга йўлланма олган жамоалар маълум бўлди. Учрашувларда эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: Швеция — Англия — 2:1, Франция — Дания — 1:2. Шундай қилиб Швеция футболчилари бешта очко билан биринчи ўринни эгаллашди. Дания жамоаси учта очко билан иккинчи бўлди. Энди Голландия — Олмония ва Шотландия — МДҲ жамоаларининг учрашувидан кейин иккинчи гуруҳда ҳам ярим финалчилар номи маълум бўлади. Маълумки бу гуруҳда Олмония ва Голландия жамоалари учтадан, МДҲ футболчилари эса иккита очко билан ўйинни давом эттиришга даъвогарлик қилишаётган эди.

• ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЎН МИНГИНЧИ БАХТ

Бу воқеа ўтган йил 19 ноябрь куни тушга яқин содир бўлди. У Манғит кўчаларидан бирида йиқилиб қолди. Уйига олиб келишганда кўзларини очди. Қўрқувдан ранглари қув учган фарзандлари-ю, қўни-қўшнилар ҳавотирли қараб туришарди. Улардан бирининг жони ачиб:

— Раъно қачонгача қийналиб юрасан? Беруний Бозорбой деган дўхтир бор. Мени шу даволади. Барака топсин. Вақтни ўтказма. Шунга кўрин, — деди.

Беруний шаҳридаги марказий касалхона Қорақалпоғистондаги йирик тиббиёт марказларидан бири. Поликлиникалар, санаторийларда ҳамда 1000 ўринли касалхонада 37 турдан ортиқ касаллик даволанади. 245 нафар врач, райондаги 120 мингдан ортиқ аҳолининг саломатлик посбонларидир. Улардан уч нафари медицина фанлари номзоди, 14 нафари олий, 20 нафари биринчи, 27 нафари иккинчи тоифадаги шифокор.

Бозорбой билан тиббиётимизнинг ҳозирги аҳволи, муаммолари, истиқболи хусусида суҳбатлашдик. Хонага саримағиз, кичкина жуссали аёл нажот сўраб ийманибгина кирди. Мадори кетиб, йиқилиб қолган ўша аёл экан. Амударё поликлиникасида ҳамшира экан. Раъно «Қаҳрамон она», қирққа кирибди. Касалхонага келганига ўн бир кун бўлибди. Уйига кетаётган экан. Бозорбойга миннатдорчилик билдиргани кирибди. «Қўлингиз дард кўрмасин, Бозорбой ака, болаларингизнинг роҳатини кўргайсиз. Дунё тургунча тургайсиз», дедию, кўзларида ёш қалқиб кетди. Раъно Бобожоновадан қандай касаллик билан оғриганини сўрадик.

Айтишича, ошқозонида яра бор экан. Уч йилдирки дард жабрини тортаркан. Касалхонада ётган. ТошМИнинг терапия, гинекология бўлимларида даволанган. Семашкода эмланган. Нафи тегмади. Ошқозонда овқат турмади. Қусаверган. Жонимга тегиб кетди, дейди. Экстрасенсларнинг оғизга тушган пайтлари эмасми. Соғаярмиканман, деган илинжда уларни излаб, қаерларга бормади-я! Фарғонада Қизлархоннинг сеансларига қатнашганлари, Мирзакаримга ҳам, Қирғизистоннинг Дунгон деган жойига ҳам борганлари эсида.

— Сиз медиксиз, — деди Бозорбой. — Тўғрисини айтай. Раъно, ошқозонингизнинг учдан икки қисмини олдик. Соғ жойини ичакка уладик. Ҳавотирланиб юрманг. Олти ой ичида аввалгидай бўлиб кетасиз.

— Раҳмат Бозорбой ака. Оғримагандайман. Ота-онангизга раҳмат.

Бозорбой меҳнаткаш оила фарзанди. Оналари Сайёд опа касалманд эдилар. Бозорбойнинг ичи увишарди. Кошкийди қўлидан келса, волидаи мукаррамасини дарддан халос этса... Бунинг учун билимдон шифокор бўлиши керак. «Врач бўламан. Одамларни даволайман. Ўлимлардан қутқараман!». Мана шу орзу, истак Бозорбойга врачлик касбини танлашига туртки бўлди.

Оталари Ўрозали Ҳайитбой ўғли «Коммуна» колхозида 53 йилдан ортиқ механизаторлик қилдилар. Уруш қатнашчиси, II гуруҳ ногирони. Тенгқурларининг айтишларича, ғайрати ичига сиғмаган жонисабил экан. Чарчаш нима? Дам олиш нима? Билмаган. Ишдан қош қорайганда келаркан. Тамадди қилгач, фонус ёруғида оғилхонадаги моллар учун қамиш-қиёқ ўриб, янтоқ чопган. Сўнгра ҳовлида электр чироғи ёғдусида тракторнинг бўшаган больт-гайкаларини қотирган, тозалаган, мойлаган. Ҳозир пенсияда. Ўтиролмади. Ишлаяпти.

Бозорбой 1965 йили «Озод» овулидаги «Ёш гвардия» ўрта мактабини тамомлаб, Тошкент тиббиёт олийгоҳининг даволаш кулиётига ўқишга киради. Тунлар ложувард осмонга тикилганмисиз? Нигоҳингиз порлоқ юлдузга тушгандир. Бозорбой ҳам ўқишнинг биринчи кунларидаёқ ўткир зеҳнли эканлиги билан домлалар назарига тушди. Устози Василенко раҳбарлигида беморларни операция қилиш жараёнларида қатнашиб, нозик касб сирларини ўзлаштирарди. Бир куни устозига кўр ичак хасталигига учраган беморни операция қилишга розилик сўради. Устози йўқ демади. Чунки қараб туради, ёрдамлашади. Бозорбой қилган операция муваффақиятли чиқди. Севинчи бир олам эди. Қараб турганлар қойил дедилар. Биринчи курсдаёқ жарроҳлик пичоғини дадил тутиб, операция қилиш ҳар қандай талабанинг қўлидан келавермайдиган жасорат эди. Тиббиёт илмида бу талаба бемор тақдирини ўз тақдири деб биларди.

...Тошҳовуз вилоятидаги Ленинск шаҳрилик Нурғелди деган йигит оғир хасталикка учраб, муолажалардан шифо топмади. Оғайнилари табибга кўрсатишди. Табиб тандирни қиздиришни буюрибди. Тандир қиздиришди. сўнг чўғларини олиб ташлаб табиб беморни тандирга киритди. Терлаб-терлаб тузалади, дебди. Орадан ярим соат ўтгач, тандирнинг оғзини очиб қарашса, бемор жон талвасасида экан. Дарров тандирдан чиқазибдилар. Шу воқеага шоҳидлардан бири Бозорбойнинг таърифини етказади. Шундай қилиб, Нурғелдининг оғайниларидан икки нафари Бозорбойга келиб, хастани бориб кўришни илтимос қилишади. Бозорбой беморни кўрганидан сўнг:

— Икки-уч соатдан кечиктирмай операция столимга олиб борсанглар омон қолади, — дейди.

Нурғелди ўлим чангалидан қутилди. Бозорбой ҳақига дуо қилиб юрипти. Бу ягона мисол эмас.

Ошқозон, ичак, жигар, ўт халтада тош пайдо бўлиш каби касалликлардан неча юзлаб, минглаб беморлар азият чекиши Бозорбойни қаттиқ ташвишлантирарди. Қандай қилса, шундай касалликларнинг олдини оларкин, беморларни ундан халос этаркин? Ўша хасталикларни дарҳол аниқлаш мушкул эди. Олдида диагноз қўйиш муаммоси... Замонавий асбобларсиз, янги усулларни яратмай, такомиллаштирмай туриб, бундай олижаноб мақсадга эришиб бўлармиди? Бозорбой қалбида билимни янада чуқурлаштиришга эҳтиёж тинчлик бермас эди.

Академик Виктор Сергеевич Савельев ўша пайтлар жарроҳлик бўлимида амалий тажрибалар ўтказарди. Бозорбой унга ҳавас қиларди. Ўз истагини қандай билдирсайкин? Академик ҳам Бозорбойни кўзининг тагига олиб юрарди. Қобилиятли экан, тарбияласам, яхши врач чиқади, деб ўйлаган эди. Академик уни аспирантурада ўқишга таклиф этди. Бозорбой рози бўлди. У бу иқтидорли шогирдидан ёрдамини аямади. Бозорбой ишдан ажралмаган ҳолда ўқиди.

Овулдошлари Нукусга келарди. Оғриганлари Бозорбойда эмланибди. Ота-онаси ҳам, бошқалар ҳам Бозорбойнинг Берунийга қайтишини истардилар. Ниҳоят у 1980 йил август ойида Беруний район марказлашган касалхонасининг жарроҳлик бўлимига ишга келди. Барча касалхоналарда ҳафтанинг икки куни «Операция кунлари» деб белгиланган эди. Масалан, оғир бемор келди, дейлик. Ҳафтанинг операция кунини кутиб, оғриқлар ҳуруж этмай турмайди-ку. Бозорбой Нукусда ишлаган пайтидаёқ беморни зарур бўлса, дарҳол операция этиш керак, деган фикрда эди. Ўзи Берунийда касалхонада жарроҳлик бўлимига мудир бўлиши билан «операция кунлари»дан воз кечди. Беморлар аҳволига қараб, ҳар куни операция қилинаверди.

Қуш қаноти билан учади, деганлар. Бозорбой касалхонада Исмойил Юсупов, Марал Шуенов, Абдулла Ғофуров, Ёқуб Имомов, Аъзам Шеримбетов, Нурхон Дўстонбекова, Пўлат Ҳожибоев, Шериб Ҳакимов, Сулаймон Юнусов, Собий Юсупов, Оллоберган, Худойберган Султоновлар каби ўнлаб ажойиб шифокорлар билан ҳамжиҳатликда ишлади. Илмий ишни ҳам изчил давом эттирди.

1986 йил Бозорбой Ўрозалиевни Беруний район марказий касалхонасига бош врач қилиб тайинлашди. Тиббиётнинг моддий базасини мустаҳкамлаш сув билан ҳаводай зарур эди. Шундан кейин вазифани уддалаш фақат унинг қўлидан келиши мумкинлигини район раҳбарияти ҳис этган эди. Бозорбой райондагина эмас, Қорақалпоғистонда обрўли шифокор сифатида машҳур эди. Унинг илтимосларини ҳеч ким рад этмаслиги аниқ. Бошқа райондан бир шифокорни бош врач қилиб тайинлаш ҳам мумкин. Шифокорлар ўзимизда ҳам бош врачликка муносиб кадрлар бор эди-ку, деб норози бўлишмасмиди? Бозорбой бош врачлик лавозимини фақат бир йил ишлаш шарти билан қабул қилган эди. Шундай қилиб, у ишни жамоада соғлом муҳитни вужудга келтиришдан бошлади. Касалхонани кенгайтириш, канализация, қурилиш билан боғлиқ лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда бош-қош бўлди. Кўп масала марказда ҳал этиларди. Раҳбарликни илмий-иш билан баравар олиб бориш мумкин эмаслигини англади. Нима қилиш керак? Раҳбарликдан воз кечишга қарор қилди-ю, ўйланиб қолди. Тавсия қилган одами эртага тумшуғини кўтариб кетмайдими? Ана, Бозорбойнинг топган одами, деб бетига босмайдиган бўлиши керак. У ҳаётдан кўп кадрларни элакдан ўтказди. Ниҳоят, фикри Ҳожибой Нуруллаев номзоди устида тўхтайверди. Яхши мутахассис. Андижон тиббиёт институтини битирган. Хирург. Бир неча йилдирки ҳамкасб. Кўп беморларни биргаликда операция қилишган. Камтар, хушмуомала, вазмин, етти ўлчаб бир кесадиган. Ташкилотчилик қобилияти ҳам бор. Жамоа билан тил топиша олади. Раҳбарга хос фазилатлар мана шулар эди. Бозорбой ўз ўрнига Ҳожибойни тавсия қилиб, адашмаган эди. У бир неча йилдирки, ишончли оқлаб келяпти. Бозорбой бошлаган барча хайрли ишларни поёнига етказди. Марказий касалхона Ўзбекистондаги яхши шифохоналардан бирига айланди.

Бозорбой илмий ишини давом эттирди. Унга Москвадаги Н. И. Пирогов номидаги 2-Бутунроссия медицина олийгоҳида тиббиёт фанлари доктори А. Балиликин раҳбарлик қилди. Саккиз йиллик меҳнати зое кетмади. 1987 йилда «Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир жарроҳлик касалликларига эндоскопик усул ёрдамида диагноз қўйиш ва уларни даволаш» мавзуида диссертация ёқлади. Мазкур илмий ишнинг мақсади: одам организмида пайдо бўладиган оғриқларни эндоскопик усули билан диагноз қўйишга кафиллик бериши ва даволашнинг самарали бўлиши билан диққатга сазовор.

...Шу сония телефон жиринглаб қолди. Бозорбойни яна операция хонасига таклиф этишди. Анчадан сўнг ҳорғин, лекин очиқ чеҳра билан чиқиб келаётганда коридорда учратдик. У бўлимга кираверишдаги қўш табақали эшикда ўнлаб эркаклар, аёллар Бозорбойга, операция қандай ўтди, беморнинг аҳволи қандай, деган маънода ҳавотирли саволомуз тикилишарди. Бозорбой кенг пешонасидаги терларни кафти билан артаркан, «ҳаммаси яхши», деди. Ҳозиргина операция қилиниб, ҳаёти сақлаб қолинган хастанинг оғайнилари юзларига шодлик югурди. Бу Бозорбойнинг ўн минг юзинчи операциядан чиқиши эди. Ҳазилакамми? Уйда бир одам оғриса, бутун оила, ўнлаб оғайни, туғишганлар, ёр-биродарлар, дўстлар ғам чекадилар, қайғуга ботадилар. Ўша хаста соғайса, ташвишли қалбларга беҳад қувонч, шодлик нурлари ёғилади, хонадонга кўркувфайз киради. Ўн минг юз нафар хастага саломатлик деган буюк бахт қайтариб берилганда неча минглаб одамлар қалбида шодлик жўш уришини тасаввур қилиб кўринг. Улар даволаган врачга раҳмат ёғдиради, шаънини улуғлайди. Ўзини халқнинг саломатлигига бағишлаган камарбаста фидойи шифокоргина мана шундай шарафга муяссар бўлади. Бозорбой ана шундай шифокор.

Абдулла АҲМЕДОВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Узавнабанк» жамоаси банк ҳайъатининг раиси Х. И. Ҳўжаевга онаси

Ойша ЮСУПЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» журналларининг жамоаси журнал Бош муҳаррири И. М. Хушевга акаси

Неъматжон ХУШЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Қариндошларига, яқинларига сабр-бардош тилайди.

Тошкент Давлат Университети фалсафа факультети, фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси доценти М. О. Усмоновга онаси

Сожида УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия ходими В. Исабоевга акаси

Илҳомжон Исломович ИСАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси студия ходими Н. Яминовага отаси

Ҳамидхўжа АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир қайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-86, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.



«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 64583.

Буюртма № Г—182.

№ 120.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.45. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.